

Кун эътирофи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳасига қаратаётган эътибори учун БМТнинг юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича идоралараро мақсадли гуруҳи (UNIATF) мукофоти билан тақдирланди. UNIATFнинг мазкур мукофотини таъсис этишига оид қарор ташкилотнинг 2018 йил ўтказилган мажлисида қабул қилинган. Ушбу мукофот юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган инсонларга, ташкилот ва идораларга топширилади. 2019 йилда мазкур мукофот эгалари тўртта номинация бўйича аниқланди.

Ishonch

2019 йил 21 сентябрь • шанба • № 115 (4244)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ПРЕЗИДЕНТ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кuni Афғонистон Ислоом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Япония ҳамда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад Ҳолид Элмий, Сантош Жа, Тимоти Торлот, Ёшинори Фужияма ва Изабель Сервоз-Галлуччидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни Ўзбекистондаги дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклар, уларга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада муваффақиятлар тилади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Беш йиллик Ҳаракатлар стратегияси изчил амалга оширилмоқда, унга мувофиқ жорий йил юртимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилинган. Инновацион технологиялар ва ёндашувлар асосида замонавий саноат корхоналари ва инфратузилма яратилмоқда, банк, молия ва солиқ соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон очиқлик, яхши кўшничлик, тенг ҳуқуқлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган фаол ва конструктив ташқи сиёсат юритилмоқда. Натижада бугунги кунда мамлакатимизнинг масъулиятли ва ишончли халқаро шерик сифатидаги мутлақо янги имижини шаклланди.

Энг аввало, яқин кўшнилари билан дўст-

лик муносабатларини, биродарлик ришталарини, стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Марказий Осиёда принципиал жиҳатдан янги сиёсий муҳит яратишга хизмат қилди.

БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИХТ каби етакчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик фаоллашди. Мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлишига қарор қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз сўзида янги элчилар вакиллик қилаётган давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтди.

Афғонистон билан дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқот фаоллашгани товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, энергетика, транспорт, логистика ва коммуникациялар, таълим соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда улкан салоҳиятга эга бўлган ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга катта суръат бағишлади.

Президентимиз 2018 йил октябрда Ҳиндистонга амалга оширилган дав-

лат ташрифи ва жорий йил январь ойида «Жўшқин Гужарат – 2019» саммити доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар натижасида янги амалий мазмун билан бойиган Ўзбекистон – Ҳиндистон стратегик шериклиги юксак даражага кўтарилганини юқори баҳолади.

Бугунги кунда фармацевтика, инновация ва ахборот технологиялари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларида қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасалари – Амити ва Шарда университетлари филиаллари ўз эшикларини очди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик турли даражаларда сезиларли фаоллашганини мамнуният билан қайд этди.

Нефть-газ ва кимё саноати, геология-қидирув, молия, инновацион технологиялар ва соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича эришилган келишувлар ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Таълим соҳасида, жумладан, пойтахтимиз ва ҳудудларда Кембриж университети иштирокида Президент мактабларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Япония билан стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Энергетика, геология-қидирув, автомобиль саноати, транспорт, телекоммуникациялар, инфратузилмани модернизация қилиш, фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда Япония компания ва

банклари билан кооперация суръати ортиб бораётгани таъкидланди.

Жорий йил декабрь ойида Японияда бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашув ва музокаралар кенг қўламли ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил октябр ойида Францияга амалга оширилган расмий ташриф кўп қиррали Ўзбекистон – Франция шериклигига сифат жиҳатидан янги мазмун бағишлаганини мамнуният билан қайд этди.

Геология-қидирув, куёш энергетикаси, коммунал хўжалик, туризм ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Маданият ва санъат, фан ва техника, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Маросим сўнггида Президент Шавкат Мирзиёев янги тайинланган элчилар фаол дипломатик саъй-ҳаракатлари билан давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишларига ишонч билдирди.

Ўз навбатида, дипломатик миссиялар раҳбарлари Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида давлатлараро муносабатларни изчил ва самарали ривожлантиришга бор куч-ғайратини сафарбар қилишини таъкидладилар.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юртишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

uz.a.uz

«Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uz.a.uz

«Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.

uz.a.uz

20 сентябрь кuni мамлакатимизда Ўзбекистонда парламент сайловлари кампаниясига старт берилди.

knp.uz

Жорий йилнинг 20 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Россия Федерацияси Ҳукумат Раисининг биринчи ўринбосари – молия вазири А.Силуанов бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

uz.a.uz

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян бошчилигидаги делегация мамлакатимизга илк бор ташриф буюрди.

uz.a.uz

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация 2019 йилнинг 21-29 сентябрь кунлари АҚШга ташриф буюради.

mfa.uz

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Озарбойжон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусейн Гулиевни қабул қилди.

mfa.uz

Россиянинг «Трансмаш-холдинг» компанияси Ташкент метроси учун 81-765.5/766.5/767.5 моделдаги 5 та поезд таркибини жўнатди.

knp.uz

Ташкентда 20 сентябрь кuni Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлигига аъзо давлатлар энергетика вазирларининг биринчи минтақавий мулоқоти (CAREC) ва «Энергетика инвестиция форуми – 2019» ўз ишини бошлади.

uz.a.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси йўғилиши бўлиб ўтди.

uz.a.uz

Бош прокуратура матбуот хизмати

uz.a.uz

Олий Мажлис Сенатида Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

uz.a.uz

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

ХАШК

МАДАНИЯТЛИ ОДАМ ҚОНУНЛАРНИ БУЗМАЙДИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

СИХ ҲАМ, КАБОБ ҲАМ КҮЙДИ

Mahalla

МАСТЛИК МУДҲИШ ФОЖИАЛАРГА САБАБ БҮЛЯПТИ

NURONIY

ВАҚТНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

OILA DAVRASIDA

ҚИММАТ АВТО, КАТТА УЙ – МАХСУС СОЛИҚ...

Oila va Jamiyat

КИЧКИНТОЙЛАР «SEVISHNI» KIMDAN O'RGANISHYAPTI?

ЖАМИЯТ

«ЯХШИ ЎҒИЛ БОШИМИЗНИ ОСМОН КАДАР КЎТАРАП ...»



Шарғун янги тарихини битмоқда

Давлатимиз раҳбари шу йил 30 апрель – 1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Шарғун шаҳрининг қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан тегишли топшириқлар берган эди. ...Уч йил олдин. Шарғун шаҳарчасига ижодий учрашувга борган эдим. Ёшлар ва хотин-қизлар шаҳарчадаги маданият саройига тўпланишган экан. Учрашув кўтаринки руҳда ўтди.



Келгуси сонларда ўқинг! >>>>>>

Мураббий нега ошпазга айланди?

Томчисида ҳаёт мужассам

«Сен кимнинг тролисан?»

Во, ажаб!

«Саволингиз мавзуга оид эмас...»

ёхуд фақат «хўжакўрсин»га ўтказилаётган матбуот анжуманлари ҳақида

Яқинда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ижроси ва моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Молия, Иқтисодиёт ва саноат вазирликлари мутасаддилари, Марказий банк, Солиқ қўмитаси, Товар хомашё биржаси ва бошқа тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Тадбирда мавзу юзасидан қисқача маълумот берилди. Тўғрироғи, мавзу журналистларга таништирилди, холос. Шундан сўнг савол-жавобларга ўтилди. Бир-иккита савол берилгач, Иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари Ботир Усмонов журналистлардан мавзудан четга чиқмасликни, «бегона» саволлар бермасликни сўради. Шундай бўлса-да, бир нечта журналистлар мавзудан ташқари саволлар беришди. Аммо уларга қониқарли жавоб бериш ўрнига яна мавзудан четга чиқмаслик «эслатилди».

3»

Энг яхшилар эътирофга муносиб

Рағбат

Шингил хабарлар

Оғир атлетика мактабида

Тахياتош оғир атлетика мактаби кўлаб таниқли спортчиларни етиштирган. Бахтиёр Нуруллаев, Мансур Чашимов ва Фозил Ҳазимбетовни спортнинг ушбу турига қизиқувчи ва тандошларимиз яхши танийди.

Шаҳримиздаги оғир атлетика залида ҳозирги кунда беш нафар ўқитувчи-тренер 170 нафардан ортиқ ёш спортчи билан машғулотлар олиб бормоқда. Улар орасида спорт устаси нормативини бажарганлар ва спорт усталлигига номзодлар талайгина.

Абат оға Нуруллаев асос солган Тахياتош оғир атлетика мактаби етарли моддий-техник базага эга. Бугун ушбу мактабнинг яна бир номдор спортчиси Рустам Жангабаев 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ўйинларига йўланмани кўлга киритиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Бобомурод ЧАШИМОВ,
Тахياتош тумани оғир атлетика мактаби тренери-ўқитувчиси

Очиқ эшиклар куни

Тахياتош тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Баркамол авлод» болалар марказида ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни»да спортнинг шахмат-шашка тури бўйича мусобақа уюштирилди.

Унда иштирок этган нуронийлар билан марказимизда фаолият кўрсатаётган шахмат-шашка тўғраги қатнашчилари ўртасида кечган мurosасиз беллашувлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Тўғрақ қатнашчиларидан Қолбек Маҳаммадидин биринчи, Асадбек Султанбоев иккинчи ва Жаҳонгир Ҳазимбетов учинчи ўринларни эгаллаб, ташкилотчилар томонидан таъсис этилган дипломлар билан мукофотланди.

Зинатдин КАРИМБОВЕВ,
Тахياتош туманидаги «Баркамол авлод» маркази тўғрақ раҳбари

Кучлилар ва абжирлар баҳси

Тахياتош туманидаги 3-сонли кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби филиалида спортнинг самбо кураши бўйича секция мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Спортнинг ушбу тури шунчалар оммалашгани туфайли бугун 150 нафардан кўпроқ ёш самбо кураши усуллари тажрибали мураббийлардан ўрганишга бел боғлаган.

Устоз-мураббийларнинг сазй-ҳаракати натижасида кўлаб спортчилар ўзбекистон миқёсидаги мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2019 йил ўсмирлар ўртасида ўтказилган ўзбекистон чемпионатида ушбу мактаб тарбияланувчиларидан Атамурат Муртаббаев биринчи ва Мададбек Хайруллаев учинчи ўринни эгаллади.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»



Тошкент шаҳри

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси Республика кенгаши болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этишда жонбозлик кўрсатган корхона, ташкилот ҳамда оромгоҳларда фаолият юритган энг фаол, ташаббускор ходимларни рағбатлантирди.

– Бу йўлда меҳнат қилган, бор куч-ғайратини аямаганлар ҳамisha эътиборимизда, – дейди тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Кутлимурот Собиров.

Шу муносабат билан ташкил этилган танловда «Энг намунали оромгоҳ» номинацияси бўйича ғолибликни «Бухоро минтақавий темир йўл узели» унитар корхонасига қарашли «Дўстлик» оромгоҳи кўлга киритганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари, «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи», «Энг фаол етакчи», «Энг ғамхўр тарбиячи», «Энг моҳир тўғрақ раҳбари», «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми ташкилотчиси», «Энг яхши спорт йуриқчиси», «Энг яхши тиббиёт ходими» каби номинациялар эгалари ҳам аниқланди.

Ҳолилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Лола МЕРГАНОВА,

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бўлими мудири



Тошкент вилояти

Бу йилги ёз мавсумида болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари Тошкент вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси, ҳудудий тегишли идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўзаро ҳамжиҳатликда уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Мавсум давомида 168 та оромгоҳда 35 минг нафар болаланинг соғломлаштирилишига эришилди. Шаҳар ташқарисидан жойлашган 19 та оромгоҳда 17328 нафар, 149 та кундузги оромгоҳда эса 17674 нафар бола дам олдирилди.



Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

Меҳнат муҳофазаси

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятида мутахассислар иштирокида меҳнат муҳофазаси бўйича бажарилган ишлар ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар натижаси қандай?



Хозирда заводда 1947 нафар ишчи меҳнат қилиб келмоқда. Шундан 214 нафарни аёллар, 16 нафарни ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳамда 580 нафарни ёшлар ташкил этади.

Ўрганишлар давомида меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ходимларга зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

– Иш берувчи қўл остидаги ишчи-ҳодимларнинг ишлаб чиқариш жараёни ва бошқа ҳолатларда рўй бериши мумкин бўлган хавфли ҳамда зарарли омиллар таъсиридан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида таъминлашни ўз зиммасига олади, – дейди кенгашнинг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Низом Уролов. – Шу мақсадда заводда Меҳнат кодексининг 217- ҳамда 214-моддалари, «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига амал қилиниши юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Мутахассислар «Деҳқонобод калий заводи»да меҳнат муҳофазасининг норма ва қоидаларига риоя этилиши, хавфсизлик маданиятини юқори даражага кўтариш, ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёз ва кафолатлар белгилаш, ишчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича тавсиялар беришди.

Аъзамжон АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

Миннатдорлик

Муҳим танлов

Бухоро шаҳридаги 20-умумий таълим мактабида 28 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келган.

27 йилдан буён эса мактабнинг бошланғич касабаси уюшмаси ташкилот раислигини ҳам бажарган. Жамоатчилик билдирган ишончга масъулият билан ёндашиб, касабаси уюшмаси аъзоларини кўлаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси борасидаги вазифаларни ўз вақтида бажариб келаяпти.

Президентимизнинг биз ўқитувчиларга кўрсатаётган эътиборидан кўнглимиз тоғдай бўлган бир пайта касабаси уюшмалари Федерацияси эълон қилган «Устозлар – касабаси уюшмалари эъзозидан» танловини нур устига нур бўлди. Бундан руҳланиб, Бухоро

шаҳридаги 8 нафар бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси раислари танловда иштирок этишга қарор қилдик.

Танлов фаолиятимизга танқидий назар солишга, ўзимизга тўғри баҳо беришга ундайди. Энг асосийси, тажриба алмашиб, янги ташаббуслардан хабардор бўламиз.

Танлов касабаси уюшмалари юртимизда амалга ошириляётган ислохотларни ўз вақтида кўлаб-қувватлаб, ҳаёт билан доимо ҳамнафас юраётганининг исботидир.

Дилбар ТОШЕВА,
Бухоро шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби касабаси уюшмаси кўмитаси раиси

Меҳнатда ҳам, спортда ҳам доимо ғолиб

Фахр

Яқинда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида самбо бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 13 та мамлакатидан 300 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган самбочиларимиз 12 та олтин медални кўлга киритиб, жамоавий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади. Спортчилар сафида «Ўзметкомбинат» АЖнинг электрда пўлат эритиш цехи ишчиси Сирожиддин Анорқулов ҳам бор.

Сирожиддин 2013 йилдан буён корхонанинг электрда пўлат эритиш цехида ишлайди. Бу ердаги машаққатли меҳнатига қарама-қарши у комбинатга қарашли «Ёшлик» спорт мажмуасида ташкил этилган самбо тўғрагига қатнашарди.

Машғулотларда ўзини намоён қилди. У 2016 йилда спортнинг жанговар самбо йўналиши бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида олтин медал соҳибига айланди. Ўзбекистон миллий терма жамоасига



қабул қилиниб, Болгарияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида иштирок этди. Чемпион номига сазовор бўлган, ушбу спорт йўналиши бўйича билим ва кўникмаларини мунтазам равишда мустақамлашида унга комбинат раҳбарияти ҳамда касабаси уюшмаси кўмитаси катта ёрдам кўрсатиб келди.

Жорий йилнинг мартда Москвада самбо бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Анатолий Харлампиев хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу жаҳон кубогида 57

кг. вазн тоифасида олтин медални кўлга киритиб, ушбу вазнда тенгсиз деб топилди.

Сирожиддинга бундан кейинги меҳнат ва спортдаги фаолиятида зафарлар тилаб қоламиз.

Дилдора АЛИМОВА,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси



Сирдарё вилояти

Сардоба туманидаги 20-сонли умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Исмоилова Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказига ўқувга юборилган эди. Афсуски, у марказ яқинида автоҳалокатга учраб, вафот этди.

Бундай ҳолатда қонун талабига мувофиқ жабрланувчиларга, яъни марҳумнинг турмуш ўртоғи ва унинг қаромоғида қолган 3 нафар вояга етмаган фарзандига зарар тўлашни лозим.

Сардоба тумани халқ таълими бўлимида иш берувчилар сўғурта мажбуриятларини ўз вақтида ижро қилишга экан. Шу боис, вафот этган ходимнинг фарзандларига бирйўла 110784,5 минг сўмлик нафақа ва ҳар ойда тўланадиган 47282 минг сўм миқдордаги тўлов пули дарҳол тўлаб берилди. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги сўғурта қилингани бунда ғоят фойда берди. Агар иш берувчи сўғурталашни ортага суриб келганида, тоvon пули тўлаш оқибатида бюджетга анча-мунча иқтисодий зарар етказилган бўларди. Албатта, ҳеч қандай пул вафот этган инсоннинг ўрнини боса олмайдди, лекин боқувчисини йўқотган оилага сўғурта компанияси тўлаган тоvon пуллари асқотиши, шубҳасиз.

Афсуски, сўғурта ишини ортиқча билиб, орта сураётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш» уни-

СУСТКАШЛИК ОҚИБАТИ

ёхуд тоvon пулини ким тўлайди?

тар корхонаси ишчиси билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида 99046 минг сўм миқдорда иқтисодий зарар кўрди. Ҳозирги вақтда жабрланувчининг оиласига ушбу маблағдан 73200 минг сўм миқдордаги бир марталик тоvon пули корхона даромади ҳисобидан тўлаб берилган. Қолган маблағнинг тўлаб борилиши жамоатчилик назоратига олинган.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, қулай, хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш, уларга барча иш берувчилар амал қилиши лозимлиги белгиланган.

Бу эса барча иш берувчиларга меҳнат муҳофазасига қатъий риоя қилиш баробарида сўғурта тўловларини биринчи навбатда бажариш вазифасини юклайди. Зеро, қутилмаган, тасодифий бахтсиз ҳодисалардан ҳеч ким ҳимоя қилинмагани бу масалага ҳар доим масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Улуғбек ТАНИҚУЛОВ,

Сирдарё вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими етакчи мутахассиси



Касабаси уюшмаси аралашгач...



Самарқанд вилояти

Бу саволга жавоб топиш осон бўлмади. Кимдир шахмат бўйича чемпион Жавоҳир Синдоров (Тошкент) номини тилга олса, бошқа биров бармоқ ташлаб, узоқ ўйга толди. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлганимизда ҳам ушбу саволга жавоб изладик. Бор экан. Спортнинг армрестлинг тури бўйича қатор халқаро мусобақаларда ғолиблик қилаётган ўсмирлар жамоаси.

– Гарчанд улар Иштихон туманининг «Зарбанд» маҳаласида яшаса-да, спорт мактабимиз тарбияланувчилари саналишади, – дея масалага оидлик кирилади спорт мактаби директори Давлатжон Мирзанов.

Директор ҳамроҳлигида тумanning энг кўзга кўринарли жойида барпо этилган мухтажам ва ягона спорт мажмуасига йўл олаемиз. Маҳобатли бинодан битта спорт зали ўрин олган. Бу ерда ёшлар кураш, шарқ яққа кураши ва гимнастика тўғрисида машғулот ўтказишди. Яқиндан танишиш асноси ушбу бинони бунёд этган қурувчилар «маҳорати»га тан бердик беихтиёр. Негаки, мазкур иншоотда баскетбол, мини-футбол ашёлари ўрнатилган бўлса-да, залнинг ўлчами (диаметри) мазкур турдаги спорт билан шуғулланишга мувофиқ эмас. Қолаверса, иситиш тизими талабга жавоб бермайди.

Иситишчилар (батарея) ўрнига ўрнатилган катта-катта қувурларни кўриб лол қолдик. Боз устига қувурлар атрофида химоя воситалари ўрнатилмаган. Худо кўрсатмасин, спортчи бошини қувурга уриб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Футбол ва баскетболни-ку гапирмай кўя қолайлик. Миллион-миллион маблағ эвазига қурилган иншоот қуввати бутунги кунда 30-40 нафаргина болани андармон қилишга етапти, холос. Шундай экан, номи улугу супраси қуруқ бино савлатидан не наф?

– БўСМ қошида қанча тўғарак ва қанча қатнашчилар бор, – сўраймиз спорт мутасаддисида.

– Жойларда спортнинг 9 тури бўйича машғулотлар ўтказилади, – дейди у. – Туман бўйича 580 нафар бола жалб этилган. Мини-футбол ва баскетбол бўйича мутахассисларни ўқитаяпмиз. Яқинда спортнинг ана шу турлари бўйича ҳам тўғараклар фаолиятини йўлга қўйишни ният қилганмиз.

– Ягона спорт мажмуаси аҳволини кўрдик. Улар машғулотларни қаерда ўтказишади?

– Шу масалада бизнинг ҳам бошимиз қотиб турибди, – дейди у.

Давлатжон Мирзановнинг БўСМга раҳбар бўлиб келганига эндигина уч ой бўлган. Ёш раҳбар минг уринмасин, аҳвол ҳали-бери ўнгландиган даражада эмас. Ҳар ҳолда йиллар давомида ҳукм суриб келган лоқайдликдан қутулиб олиш осон кечмаслиги аниқ, 46 нафар мураббий ўрнига атиги 17 нафар мураббий номуносиб шароитларда машғулотлар ўтказиш ётири. 29 нафар мураббий ўрни бўш. Муносиб номзодлар йўқ. Қарийб 25 минг нафар болалар ва ўсмирлар улғайиб келаётган туманда спортсе-



варлари сони 600 нафарга етмаса-я, бу қандай гап бўлди?!

«Навкат» маҳалласидаги 46-мактабда бўлиб спорт-жисмоний тарбияга бўлган муносабат билан қизиқдик. Мактаб жамоаси ҳашар йўли билан сайёҳликни текислаб, битта футбол майдони «ясаб олишган». Жисмоний тарбия дарслари асосан ана шу ялангликда ўтказилади. Чанг-тупроққа беланган болалар мактабдаги ягона копток билан андармон.

– Мактабимизда спорт зали йўқ, – дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Соҳиб Рисбоев. – Спорт жиҳозлари би-

лан таъминланмаганмиз. Копток, шахмат-шашка тахталарини ўзимиз харид қиламиз. Хайриятчи, касоба уюшмалари кўмаклашиб туради.

Туманда 89 та мактаб ва бир қанча таълим-тарбия йўналишида фаолият кўрсатадиган муассасалар бор. Айни чоғда спорт залига эга мактаблар сони эса 30 дан ошмайди. Кўриниб турибдики, кўшрабтлик ёшлар асосан очик осмон остида жисмонан чиникишяпти. Ювенил-ечиниш, иссиқ сув-совуқ сув деган гапларни тилга олиш ортиқча.

Кўшрабт спортга бир қур назар солиб, нега чемпионлар Иштихон туманидан «ёлланаётган»гини аниқлаб етгандек бўлдик. «Туманининг шаъни», деган гап бор-да, ахир! «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин» деганлари шу бўлса керак-да...



Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»



Қашқадарё вилояти

Жорий йилнинг 8-июнь санасида «Ishonch» газетасининг 70-сонидида «Чоллар сим қоқди?» сарлавҳаси остида Қарши туманидаги Туморчи қишлоғи фуқароларининг турли давлат ташиқлотларига мурожаати эътиборсиз қолаётгани, ҳудуддаги симёғоч ва трансформатор пункти эскириб кетгани сабабли электр энергияси тармоғида юзага келган аянчли аҳвол қаламга олинган эди.

Мвзуга қайтиб...



«Чоллар сим қоқди»
Ўхўд Туморчининг нурунчилари
нега арза ёзишмоқда?

Туморчида нима ўзгарди?

Хўш, ортда қолган вақт оралиғида аҳвол ўзгарди-ми?

– Газетада танқидий мақола чоп этилгач, 1 июль санасида қишлоққа янги трансформатор, бетон устунлар олиб келишди, – дейди тахририятга мурожаат қилган отахонлардан бири Гулмурод бобо Чалишев. – Қашқадарё вилояти ҳудудий электр тармоқлари акциядорлик жамияти мутасаддиси энди ишлар олдинга силжишини, шу йилнинг 31 август санасига қадар устунларни ўрнатиш ишлари якунланиб, сифатсиз қўлбола симёғочлар алмаштирилиб, янги трансформатордан электр токи тақсимлаш йўлга қўйилишини билдиришди. Шундан сўнг 15-дана устун ўрнатилиб, уларга кабеллар ҳам тортилди. Шу кунларда қишлоқ аҳолисининг ҳаяжонини, қувончини бир кўрсангиз эди!

Босқичма-босқич юқори кучланишга мўлжалланган устунлар ҳам олиб келинди. Энди ишни тўхтатмай, уларни ўрнатиш керак. Ишнинг жадаллашувидан дилимиз қувонч ва умидларга тўлганди. Жараёнларнинг сусайиши, ваъда қилинган 31-август санасининг ҳам ортда қолгани баъзиларда ишончсизлик ҳиссини ҳам уйғотмоқда. Чунки «қолган ишга қор ёғар» деган мақол бор.

Ҳали ёмғирли кунлар бошланмасдан қишлоқ четидида «кетмондаста»дек ингичка, қинғир-қийшиқ қўлбола симёғочларни ҳам алмаштириш зарур. Агар уларни алмаштирмай янги трансформатор пунктини ишга туширишса, шамол-у ёғин-сочин натижасида қўлбола симёғочларда содир бўладиган қисқа туташувлар

сабаб, тилаб олиб етишганимиз – янги трансформаторнинг куйиб кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас...

Биз ишнинг тўхтаб туриш сабаблари ва унинг қачон якунланиши ҳақида Қарши тумани электр тармоқлари корхонаси муҳандиси Азиз Имомовга мурожаат қилдик.

– Иш босқичма-босқич давом этапти, – деди мутахассис. – Уч-тўрт кун олдин қишлоққа яна устунлар олиб келинди. Аммо устунларни ўрнатадиган техникамиз етарли эмас. Улар ҳозир бошқа қишлоқда. У ердаги ишни тугатиши билан техникаларни Туморчига олиб келиб, қолган устунларни ўрнатамиз. Имкониятини қилиб, қишлоқ четидида қўлбола симёғочларни ҳам вақтинчалик яхшироғига алмаштириб, ишни бир ойга бормасдан якунлаймиз.

Туморчида яна келганингизда, албатта, ишнинг тугатганини, янги устунларга тоқ уланганини ва аҳолининг хурсандчилигини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

«Ваъда вафоси билан гўзал», деган гап бор. Туморчи қишлоғи аҳолисини, ёши етмиш-саксонга бориб қолган отахонларни ишонтирган мутахассиснинг ваъдасидан бизда ҳам қониқиш пайдо бўлди. – Яна Туморчида кўришгунча, – дея эзгу умидлар билан хайрлашдик...



Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch»



Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси «Ўзқабель» АЖ ҚК касоба уюшма кўмитаси раиси Ғофур Исмоиловага акаси Одижон ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган кўмитаси жамоаси кўмитанинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Фуқрат Қаршибоевга волидаи муҳтарамаси Марзия ҚАРШИБОВЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.



Алижон АБДУРАХМОНОВ,
«Ishonch»



Жиззах вилояти

Дахлдорлик

«Биз келажак учун жавобгармиз»

Шу шиор остида фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатимизда сиёсий майдонга чиқар экан, юртимиздаги барча сиёсий, мафкуравий ёндашувчиларни она табиатни асраб – авайлаш, Ватанни – қурраи заминни, борлиқни сақлаш, табиат неъматларини келажак авлодларга соф ҳолда етказишдек буюк ғоя атрофида бирлашишга чақирмоқда.

Партиянинг асосий вазифаси атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муамоларни комплекс ҳал этишга йўналтирилган дастур ва ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш ҳамда илгари суриш, давлат, жамият ва мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига бу вазифани бажаришда кўмаклашиш, соҳада фаолият юритаётган жамоатчилик ташкилотлари ва ҳаракатларнинг ижобий тажрибаларини амалиётда кенг қўллаш ҳисобланади.

Партиянинг Жиззах вилояти ҳудудий ташкилоти халқимиз, хусусан, аҳоли ва ёшлар орасида партиянинг асосий мақсад ва вазифалари, ваколатлари ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилётган ишлари тўғрисида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйган.

Мунтазам равишда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшлар ўз хоҳишлари ва ташаббуслари билан партия аъзоллигига ўтмоқда.

Энг муҳими, ўтказилаётган учрашувларда аҳолининг жамият ҳаётига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётгани намоён бўлаётир.

Яқинда Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Жиззах вилояти партия ташкилоти ҳамкорлигида Форш туманида АЭС қурилишига бағишланган учрашув ташкил этилди. Унда ёшлар, зиёлилар иштирок этиди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Борий Алиханов иштирокчиларга дунёдаги АЭСлар фаолияти, уларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳақида батафсил сўзлаб берди. Қайд этилганидек, ядровий энергетикани ривожлантириш тарафдорлари атом электр станцияларининг устун жиҳатларига эътибор қаратишади. Хусусан, Жаҳон ядро ассоциацияси маълумотларига кўра, АЭСда бир гигаваат электр энергияси ишлаб чиқаришда инсонларнинг қурбон бўлиш кўрсаткичи анъанавий иссиқлик электр станциялариникига нисбатан 43 марта кам экан.

Учрашувда партиянинг фаолияти, вазифалари ҳамда истиқболдаги режалари хусусида маълумотлар берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

Акрам РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Жиззах вилояти партия ташкилоти ижроия кўмитаси раиси

1

Назаримда, матбуот анжуманида қониқарсиз жавоб берилган, «очик қолган» саволлар етарли бўлди. Журналист Абдор Зоҳидовнинг «Дунё таърибасида иқтисодий кўрсаткичлар АҚШ долларидида кўрсатилади. Бизда охириги икки ойда долларнинг қиймати 10 фоизга ўсди. Бу ўсишнинг иқтисодий ётимишга таъсири қандай? Агар миллий валютани сўмда кўрсатилган иқтисодий кўрсаткичлар доллар билан ҳисобланса, қандай кўриниш ҳосил бўлади? Хуфёна иқтисодий бартараф этиш борасида

орқали келган саволларни ҳам бермоқчи эдик. Афсуски, «чегарадан чиқиш» имкони бўлмади. Давлат идоралари оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқда берилган ва билдирилган фикр-мулоҳазаларга, саволларга жавоб беришдан, муносабат билдиришдан қачонгача қочишади?

Давлатимиз раҳбарининг ўзи ижтимоий тармоқларда кўтарилган муаммолардан хабардор бўлиб, улар ҳақида фикр-муносабат билдираётган бир пайтда давлат идоралари масъулларининг «мав-

19 сентябрь кунини Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжумани низоҳида «қизиқарли ва сермазмун» ўтди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этган ушбу тадбирда ҳам «саволларга берилган жавоблар «аниқ маълумотлар йўқлиги, улар сайтда мавжудлиги»дан иборат бўлди.

«Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида қўриқув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони мазмун-моҳияти билан таништиришга бағишланган

«Саволингиз мавзуга оид эмас...»

ёхўд фақат «хўжакўрсин»га ўтказилаётган матбуот анжуманлари ҳақида

қандай натижаларга эришилди? каби саволларга «тўлиқ, батафсил» жавоб берилди. Айрим саволлар «қаршисида» эса масъуллар мулазам бўлишди. На изоҳ бор, на жавоб!

Жумладан, мен ҳам «товар ва хизмат кўрсатишдаги нархларнинг ошиб бориши, оширилиши, инфляцияга қанчалик таъсир қилади-ю, инфляцияни қанчага оширади?» «Прогноз» белгиланганда бу жиҳатлар ҳам эътиборга олинандими?» деган мазмундаги биринчи ҳамда талабаларнинг контракт тўлови ҳақидаги иккинчи саволимга ҳам «жавобсиз» жавоб олдим.

Маълумки, матбуот анжуманларидан бирида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистондаги инфляцияни Венесуэла билан солиштирган, бу эса кенг жамоатчиликнинг кескин норозилигига сабаб бўлган, ижтимоий тармоқ «портлаган эди». Аммо вазир шу пайтгача жамоатчилик норозилигига ҳеч қандай фикр-муносабат билдирмади. «Бу жамоатчилик фикрини писанд қилмаслик эмасми?», деган мазмунда берилган учинчи саволимдан сўнг мен ҳам «огоҳлантирилдим».

Ўқувчиларга яши маълумки, кейинги вақтда «Ishonch» газетасида Молия ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирликлари таалуқли бўлган муаммолар, таҳлилий мақолалар тез-тез эълон қилиб борилмоқда. Масалан, ҳуқуқшунос Абдурахмон Ҳамидовнинг бир нечта мақоласи шов-шув бўлди. Биз мана шу мақолалар юзасидан газетхонлардан почта ва ижтимоий тармоқ

зудан четга чиқмаслигини қандай тушуниш керак? Матбуот анжуманларида «савол мавзуга оид эмас», «бу ерда саволга жавоб берадиган мутахассис йўқ», «саволингизни ёзиб олдик, сизга алоҳида жавоб берамиз» қабилидаги «айлантириш»лар қачонгача давом этади?

Агар матбуот анжуманида ҳамма саволларга жавоб берилмайдиган, тадбир фақат мавзуга оид саволлар билан чегараланган бўлса, унда мавзу бўйича қисқача маълумотни ташкилот ўз сайтида эълон қилиб қўя қолайми.

Шу жойда мақолага нуқта қўй-сак бўлар эди. Аммо...

17 сентябрь кунини Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги яна матбуот анжумани ўтказиши ҳақида хабар келди. Унда иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат бунёдкорлиги амалга ошириш тизими ҳамда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада тақомиллаштиришга доир Президент қарор ва фармонлари ижроси юзасидан маълумотлар берилиши, савол-жавоблар бўлиши керак эди. Аммо тадбирга ташкилотчилар келмади. Сабаб – улар йилгилида экан.

Бир кун олдин эълон қилинган тадбирга ташкилотчилардан ло-ақал бирон киши келиб, «ҳа» деб турмади. Қутишдан чарчаган журналистлар бундай ҳурматсизликка кетиш билан жавоб беришди. Ва тўғри қилишди ҳам... Бу ҳали ҳаммаси эмас.

матбуот анжуманига «пухта тайёргарлик кўрилган экан». Тарқатилган «пресс-релизини умуман пресс-релиз деб бўлмайди. Мавзу ҳам кўрсатилмаган бир варақ бу «қоғоз»да «эга-кесим» йўқ. Тадбирда вазирликдан икки киши – бош юристконсульт Ферузбек Қурбонов ва етакчи мутахассис Азизхон Мусохоний иштирок этди, холос. (Ваколатли маъсул шахслар банд бўлса керак, ҳойнаҳой...) Тадбир сўнггида улар жуда «зўр» гап айтишди: «Биз мавзу бўйича яъни, фақат фармон ҳақида суҳбатлашгани келган эдик»...

Яна ўша гап: «мавзу бўйича... Шу ўринда саволлар туғилади: Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги барча давлат идоралари ва бошқа ташкилотларга ўз фаолиятларини жонлантириш ҳамда тарғибот этиш учун кенг ишонтилар яратиб бермоқда. Аммо бундан ҳамма ҳам тўғри фойдаланмапти, шекилли... Йўқса, жорий йилнинг 28 январидида қабул қилинган Президент фармонини орадан саккиз ой ўтиб таништириш қанчалик мантиққа мос? Агар фармон ижроси бўйича шу пайтгача амалга оширилган ишлар, чора-тадбирлар ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар берилмас экан, матбуот анжуманини ўтказишдан не наф? Қизиқ, жудаям қизиқ...



Алижон АБДУРАХМОНОВ,
«Ishonch»

Шарғун янги тарихини битмоқда



«1 Хуш кайфиятда қайтаётгандик... Аммо таъмирталаб, ўйдим-чүкур кўчалар, ноқонуний қурилмалар, омонат тикланган кичик-кичик дўкончалар, уларнинг ёнида чиқинди уюмлари, кўп қаватли уйлар атрофидаги пала-партиш ўрнатилган, гўё кимгадир тегишли эканини белгилловчи, қаровсизлигидан тиканак босган ҳар хил ўлчамдаги темир панжаралар шаҳарнинг кўркини бузиб, кишида нохуш кайфият уйғотар эди. Шаҳарча четидан ўтиб, қон томонга тортилган, йиллар тўзонда ёпилиб бораётган темир изларгина қачонлардир бу ердан теплавозлар пишқириб, вагон-вагон кўмирларни ташиб ўтганидан далолат берар эди. Бу унутилиб бораётган Шарғун эди...»

– Йўғ-ей!..
Хайратда эдим. Бу мен билган Шарғунга ўхшамасди. Ахир, унинг кечаги куни ҳамон кўз ўнгимда эди-да.
– Президентимиз жорий йилнинг апрель ойида вилоятимизга ташрифи давомида Шарғун шаҳрига келдилар, – деди Мавлуда Қобулова.
– Шарғун кўмир конининг фаоли-


дан лол эдим. Фавворанинг товланишига маълиё бўлиб турганимда, опа рўпарадаги бино шаҳар ҳокимлиги эканини айтди. Ҳокимлик биноси ҳақиқий ўрнини топган эди. Бу маъмурий бинода шарғунликларнинг барча муаммолари ҳал бўлади. Саволларига жавоб топилади. Ҳокимият биноси рўпарасида эса «Китоблар олами» дўкони 10 минг китоблари билан аҳолига бағрини очган. Бинонинг ўнг томонида аҳоли жойлари, кўп қаватли уйлар. Уйларнинг ҳаммаси қайтадан таъмирланибди. Болалар ўйингоҳлари ҳам жажжилар учун махсус жиҳозлар билан таъминланган. Тоза ичимлик суви, электр энергияси, газ тармоқлари янгидан тортилибди. Шаҳарчадаги мавжуд учта мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси буткул янгила-нибди. Хусусий мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Маданият саройи қайтадан барпо этилибди. Қурувчилар 500 ўринли бу кошонани ўзгача услубда қурган. Сарой ичи ҳам миллий ва европача услубда безатилган.

ишлар, Ёнгин хавфсизлиги, Фавкулдада вазиятлар бошқармалари ходимлари мунтазам навбатчиликлар ташкил этиб, беминнат ёрдам беришибди.

– Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, маданият ва маърифат масканларини кўриб чиқдилар, – деди бизга ҳамроҳлик қилаётган Са-

ган уйлар қад ростлаган. Ўша куни вилоят ҳокимлиги номидан Мавлуда Қобулова ва Зухра Эсонова кам таъминланган оилалар фарзандларига 20 та велосипид, кийим-кечаклар, тўртта вояга етмаган фарзандлари бор хотин-қизларга тикув машиналари совға қилишди. Совға олган болажонларнинг қувончини кўришнинг ўз бир байрамга айланди.



риосиё тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Зухра Эсонова. – Ҳатто, «ишни мана шу жойдан бошлайсизлар, аввал ўтганларнинг руҳини шод этиш керак» деб, топшириқ бердилар. Юринг, сизинг ҳам зиёратга олиб борамиз.

Биз шаҳар четидаги каттагина қабристонга бордик. Ҳаммаёқ озода, йўллар текис, йўлакчалар оқланган, ранланган. Қабристон атрофи пишқик ёшиллар билан ўралган, девор бўйлаб яшил арчалар экилган. Қабристон икки бўлимга бўлинган бўлиб, бир томонига мусулмонлар, бир томонига христианлар дафн қилинган экан.

Биз ушбу зиёратгоҳни обод қилишда иштирок этганларга раҳматлар айтдик.
– Яқинда бу ерга келганимда бир гуруҳ арман аёллар кичиб кетаётган экан, – дейди Зухраҳон. – Улар билан суҳбатлашиб қолдим. Арманистондан келишибди. Ота-онаси шу ерда қанда ишлаган экан. Шу қабристонга дафн этилган экан. Фарзандлари Арманистонга кўчиб кетишган, ота-онаси зиёратига келиб туришар экан. Улар бу ердаги ободончилик ишларидан мамнун эканлигини айтишди.

Шаҳарда 100 та оилага мўлжалланган кўп қаватли, арзонлаштирил-

Шаҳар марказида. Балад устунга соат ўрнатилган, унинг тепасида Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпирайди. Ҳисор тоғидан келаётган майин шамоллар шаҳарчадаги дарахтлар, гулларни майин силаб ўтади. Буларнинг барчаси Шарғуннинг янги тарихидан сўзлаётгандек бўлади.

Мен янги Шарғунга қараб хаёлан шундай дедим:
Мени кечир! Сени танимадим, Шарғун. «Кимнидир танимасанг, ўша одам келгусида янада бойиб кетади» деган гап бор. Ҳа, шаҳарлар, қишлоқлар ҳам одамларга ўхшайди. Ўз тақдири, бугуни ва ўтмиши бўлади. Сен бойимокдасан. Сен бойишни маънавий қадриятларини тиклашдан, ободликдан бошлабсан, Шарғун. Муборак бўлсин! Тикланишдан юксалиш йўлига ўтибсан. Яратган Эгам тупроғингни қора олтин билан сийлабди. Хазина тўла сандиқларинг қалити ўз қўлингга қайтгани рост бўлсин!

Қасида

*Қора олтин болалаган тупроғим,
Кўмиридек қора қошим, қароғим,
Курантида ойни ўпган байроғим,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларини моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Ўтирибсан хазинанинг устида,
Аллоҳ берган ганжинанинг устида,
Қора белбоғ боғлаб қадди-бастинга,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларини моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Топанларинг ўғил-қизинга қолур,
Шукроналар айтган сўзингда қолур,
Вагон-вагон бойлик ўзингда қолур,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.
Томирингга жон риштаси бойланмиш,*

*Тилсимларинг ер остида жойланмиш,
Фавворангдан фаришталар айланмиш,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Бир замонлар унутилган, чўллаган,
Яратганга дуоларин йўллаган,
Юртбошимнинг қадамидан гуллаган,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Қурилишда Сурхон баҳодирлари,
Ватан деса ҳар ишга қодирлари,
Бўронларни тиндирган ботирлари,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Шаҳарчасан, юз шаҳарга татирсан,
Ҳали қанча конларни уйғотирсан,
Йилдан-йилга хазинага ботурсан,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Кончиларинг, элингдодир барака,
Қонга элтир йўлингдодир барака,
Кўмир тутган қўлингдодир барака,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.*

*Остонангда тонглар отди атирли,
Отам каби қаноатли, қадрли,
Онам каби садоқатли, сабрли,
Елкасига офтоб теккан Шарғуним,
Қўлларидан моҳтоб ўпган Шарғуним.*



Зулфия МУМИНОВА,
шоира

...Яқинда мустақиллигимизнинг 28 йиллик тантаналари муносабати билан Сурхондарёга бордим. Ўзгараётган Сурхондарёнинг соадати кунларининг гувоҳи бўлдим. Ҳамроҳим Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Қобулова «Юринг, бир мўъжизани кўрсатаман» деб қолди. Жон-жон деб, рози бўлдим.

Кафтедек текис йўллар, бир-биридан кўркам бинолардан ўтиб, ям-яшил арчалар қад ростлаган йўлак ёнида, атрофидаги гулларга қумуш томчилар сочаётган фаввора ёнида тўхтадик.

– Қаерга келдик? – деб сўрадим.
– Шарғунга.



У.А. суратлари

ятини тиклаш ва кончиларга зарур шарт-шароитларни яратиш, биноларни қисқа вақт ичида таъмирлаб, уларнинг ёнига қайтадан зарур иншоотлар қуришни топширган эдилар. Биз топшириқни деярли уддаладик. Ҳозирда қурилиш ишлари тугалланиш арафасида.

Мен шаҳардаги ўзгаришлар-

Таъмирдан чиққан ва янги қурилган мактаблар ва мактабгача таълим муассасаси, маҳаллалар, йирик кутубхона, замонавий бозор, спорт заллари, футбол майдонлари, сайилгоҳ, интернет клуб, дўконлар, кафе ва ресторанлар аҳоли хизматига шай.

Қурилиш ишларида қурилиш ташкилотларидан ташқари, Ички

Хафақон – сўнгги ҳукм эмас!

Табобатда хафақон, илм тилида эса гипертония деб аталадиган ушбу касаллик қон босимнинг юқорига кўтарилиши билан тасифланади. Ҳозирги вақтда у кенг тарқалган бўлиб, аҳолининг 8-10 фоизи хасталанган ва ўлимга олиб келадиган касалликлар ичида биринчи ўринда туради.

Илмий тил билан айтганда, қон босими кўтарилиши – артерия томирларидаги қоннинг томир деворига кўрсатадиган босимнинг меъёрдан ошишидир. Оптимал ҳолатда қон босими «120 га 80» бўлиши керак. Меъёридаги қон босимининг энг юқори даражаси эса «130-139 га 85-89» атрофида бўлиши лозим.

ХАСТАЛИК ДАРАГИ

Хафақон касаллигининг асосий белгиси қон босимини ошиши ҳисобланади.

Биринчи босқичда бу ҳолат кўпинча беморларни безовта қилмайди. Шунинг учун хасталик аксарият ҳолларда ҳар хил профилактик текширувларда тасодифан аниқланади. Касаллик бошланишида беморлар бош оғриши, айланмиш, оғирлашишдан шикоят қилади. Яна қулоқ шанғиллаши, кўз олдига парда ҳосил бўлиши, майда заррачалар учуши, кўз хиралашиши, тез чарчаш, қувватсизлик пайдо бўлади. Бундан ташқари, юрак оғриши, уйнаши, қаттиқ уриши,

қовоқ ва юз шиши ҳоллари ҳам кузатилади. Сўнгги даврларида беморлар юрак ва буйрак етишмовчилигига учраши мумкин.

Иккинчи босқичда юрак мушакларининг йўғонлашиши билан юрак ҳажми катталашши белгилари, яъни чўққи зарби кучаяди, юрак чапга ва пастга кенгайди.

Эшитиб кўрганда кўпинча зарб шовқин (юрак чўққисидан) аорта устида II тон даражада кучайган бўлади.

Айрим ҳолларда юрак мароми бузилади. Бунда кўпинча ўткир чап қоринча етишмовчилиги натижасида оғир асорат – ўпка шиши кузатилади. Юрак астмаси, кейинчалик эса ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари: баданда ишлар, жигар катталашши, бўйин томирларининг бўртиши ва бошқалар кузатилади.

Бу ҳолатлар буйрак артериал қон томирларида қон яққол кўринади ва буйракнинг бирламчи буришига сабаб бўлади.

КРИЗЛИ КЕЧИШ НИМА?

Ушбу хасталик кризли кечиши мумкин. Бу қон босимнинг кескин кўтарилиши натижасида айрим асаб томирларининг шишиши, бузилиши ва ўзгаришлардир.

Кризлар икки турда кечади. Биринчи турдаги кризлар касалликнинг дастлабки босқичларида учраб, қонга кўп миқдорда адреналин

ишлаб чиқариш билан кечади. У тез ва қисқа муддатга қон босимини ошириб, қаттиқ бош оғриши, бош айланиши, юрак уриши юзага келади. Бадан териси, айниқса, бўйин, юз териси қизаради. Криздан сўнг кўпинча кўп сийдик ажралади.


Иккинчи тарздаги кризлар қонда норадреналин кўпайиши билан кечиб, секин-аста ривожланади, узоқ ва оғир давом этади. Унда артериал қон босими юқори даражада бўлиб, жуда қаттиқ бош оғриғи, бош айланиши, сўзлаш ва кўришнинг қийинлашиши, кўнгил айниши ҳолатлари кузатилади. Криз юрак астмаси, ўпка шиши, юрак инфаркти ва миёга қон қуйилиши каби асоратларга олиб келиши мумкин.

Хафақонлик хасталигининг сўнги асоратлари юрак етишмовчилиги, буйрак ва миёга етишмовчилиги, юрак ва миёга етишмовчилигига олиб келади. Бу касаллик кўп ҳолларда атеросклероз касаллиги билан бирга юзага келади ёки уни ривожланишини тезлаштиради. Қон босими меъёридан кўтарилса, томирлар шикастланиб, қалинлашади ва ўз эгилувчанлигини йўқотади, охир-оқибат қон қуйилишига сабаб бўлади.

ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

Хафақон касаллигини даволашда кўп-лаб жиҳатларга аҳамият қаратиш лозим.

Тиббиёт бекати



Биринчидан, касалликни келтириб чиқарувчи аъзога таъсир этувчи салбий таъсирлар йўқотилади, дам олиш ва овқатланиш тартибга солинади. Туз ва сув истеъмол қилиш чекланади. Тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш каби зарарли одатларни тарк этиш лозим.

Иккинчидан, асаб тизимини тинчлантириш учун седатив дориларидан фойдаланилади.

Учинчидан, қон босимини туширувчи 4 гуруҳга бўлинган (гипотензив) дорилардан фойдаланилади. Аммо унутмаслик керакки, уларни ўзбошимчилик билан танлаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, албатта, шифокор тавсиясини олиш даркор.

Шу билан биргаликда хасталикнинг олдини олишда овқат таркибида калий миқдорини ошириш, кальций ва магнийга бой маҳсулотлар ва балиқ мойини истеъмол қилиш фойдалидир.

Халқ табобатида мурожаат қиладиган бўлса, кийикўт, чилонжийда, лимонўт, райхон, барбарис (қорақанд)ни дамлаб ичиш яхши наф беради.

Энг муҳими, соғлом турмуш тарзини жорий этиш, дам олиш ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш ва турли руҳий зўриқишлардан ўзини сақлаш лозим.



Муборак АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат стоматология институтини катта ўқитувчиси

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, лайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоқиси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Iroteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусаҳҳиш:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Ўза яқуни – 02:00
Топширилди – 02:20

Газет ёқсет усулида,
А-2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Бўғортма Г – 917.

28020 нускада босилди.
Навр кўрсатиши: 133

1 2 3 4 5